

Кончилик саноатида янги технологияни жорий этиш ва унинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўли

Н.А.Мамадалиева

Х.У.Суяров

И.Каримов номли ТДТУ Олмалик филиали

Аннотация: Ушбу маъюлада кончилик саноатида янги технологияни жорий этиш ва унинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўли тўғрисида батафсил маълумот келтирилган.

Калит сўзлар: кончилик саноати, технология, иқтисодий самарадорлик

A way to introduce a new technology in the mining industry and evaluate its economic efficiency

N.A.Mamadaliyeva

H.U.Suyarov

TSTU Almalik branch named after I.Karimov

Abstract: This article provides detailed information on how to introduce new technology in the mining industry and evaluate its economic efficiency.

Keywords: mining industry, technology, economic efficiency

Бозор иқтисодиётининг муҳим жиҳати шундаки, харажатлар миқдорини камайтирган ҳолда, юқори даражада фойда миқдorigа эришишдир. Ишлаб чиқаришнинг натижасига қараб эса корxonанинг иқтисодий самарадорлиги баҳоланади. Иқтисодий самарадорликни аниқлашнинг назарий жиҳатларини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда умумий усуллар уч гуруҳга бўлинади:

- эмпирик тадқиқот усуллари (кузатиш, қиёслаш, ўлчаш, тажриба);
- назарий тадқиқот усуллари (мавхумдан аниқликка томон бориш ва б.);
- эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари (таҳлил ва синтезлаш, индукция ва дедукция, моделлаштириш, абстрактлаш ва б.).

Кузатиш усули асосан билиш усули ҳисобланади. Бунда объектни ўрганиш унга аралашувсиз амалга оширилади. Мазкур ҳолда фақат объектнинг хоссаси, унинг ўзгариш тавсифи қайд этилади ва ўлчанади (масалан, бинонинг чўкиш жараёнини кузатиш). Тадқиқот натижалари реал мавжуд объектларнинг табиий хусусиятлари ва муносабат (боғлиқлик)лари ҳусусида бизга маълумот беради. Бу натижалар субъектнинг иродаси, сезгилари ва истакларига боғлиқ эмас.

Демак, қиёслаш - билишнинг кенг тарқалган усули, «барча нарсалар қиёсланганда билинади» тамойилига асосланади. Қиёслаш натижасида бир қанча объектлар учун умумий ва хос бўлган жиҳатлар аниқланади. Бу маълумки, қонуниятлар ва қонунларни билиш йўлидаги биринчи қадамдир.

Қиёслаш самарали бўлиши учун икки асосий талабга амал қилиниши зарур:

- биринчидан, бунда ўртасида муайян объектив умумийлик бўлиши б мумкин бўлган объектларгина таққосланиши керак;

- иккинчидан, объектларни таққослаш аҳамиятли (билиш вазифаси сифатида) хоссалар, белгилар бўйича амалга оширилиши лозим. Қиёслашдан фарқли ўлароқ, ўлчаш билишнинг анча аниқ воситаси ҳисобланади. Бу усулнинг қиммати шундан иборатки, атроф борлиқдаги объектлар ҳақида юқори аниқликка эришилинади. илмий билишнинг эмпирик жараёнида ўлчаш кузатиш ва қиёслашдагига ўхшашдир. Эксперимент, эмпирик тадқиқотнинг юқорида кўриб ўтилган усулларида фарқли ўлароқ анча умумий илмий қўйилган тажриба ҳисобланади. Бунда фақат кузатиб ва ўлчабгина қолинмай, балки объект ёки тадқиқот объектининг ўзи мавжуд бўлган шароит муайян тарзда ўзгартирилади. Эксперимент натижасида бир ёки бир неча омилларни бошқа ёки бошқаларга таъсирини аниқлаш мумкин. Кузатишдан фарқли ўлароқ эксперимент тажриба такрорланишини таъминлайди, объект хусусиятини турли шароитларда тадқиқ этиш ва объектни «соф ҳолда» ўрганишга имкон беради. Эмпирик тадқиқот усуллари илмий билишда муҳим аҳамиятга эга. Улар фақат фаразни далиллаш учун асос бўлибгина қолмай, балки кўпинча янги илмий кашфиётлар, қонунлар ва бошқаларнинг манбаи ҳамдир. Эмпирик ва назарий тадқиқотларда таҳлил ва синтез, дедукция ва индукция, абстрактлаш каби универсал усуллар кенг қўлланади. Таҳлил усулининг моҳияти тадқиқот объектини фикран ёки жисман таркибий қисмларга ажратишдан иборатдир. Мазкур ҳолда объектнинг айрим унсурларининг моҳияти, уларнинг боғлиқлиги ва ўзаро таъсири ўрганилади. Таҳлилдан фарқли ўлароқ синтез тадқиқот объектини яхлит бир бутун сифатида қисмларининг бирлиги ва ўзаро боғлиқлигида билишдан иборатдир.

Синтез усулида эса таркибий қисмлари таҳлил қилингандан сўнг мураккаб системаларни тадқиқ қилиш учун қўлланади. Таҳлил ва синтез усуллари бири-бири билан боғлиқ ва илмий-тадқиқот вақтида бири иккинчисини тўлдиради. Улар ўрганилаётган объектнинг 7 хоссаси ва тадқиқот мақсадига боғлиқ ҳолда турли шаклларда қўлланилиши мумкин. Эмпирик, унсурий-назарий, тузилмавий-генетик таҳлил ва синтез мавжуддир. Эмпирик таҳлил ва синтез объект билан юзаки танишишда қўлланилади. Бу ҳолда объектнинг айрим қисмлари ажратилади, унинг хусусиятлари аниқланади, оддий ўлчашлар ва

умумий юзасидаги нарсаларни қайд этиш амалга оширилади. Таҳлил ва синтезнинг бундай шакли тадқиқот объектини ўрганишга имкон беради, лекин буларнинг моҳиятини очиш учун камлик қилади. Маълумки, қиёслаш - билишнинг кенг тарқалган усули, «барча нарсалар қиёсланганда билинади» тамойилига асосланади.

Ушбу иқтисодий усуллардан фойдаланиб, технологик ишлаб чиқариш, айтайлик, кончилик соҳасида қазилма бойликларни қазиб олиш харажатларини камайтириш, уни сифатини, фойда миқдорини ошириш, капитал сарфларини ҳисоблаш орқали юқори иқтисодий самарадорлик бирламчи, муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳисобга либ куриб чиқадиган булсак. Шунда иқтисодий самарадорликка эришишнинг зарур омиллари ҳар бир янги машина ва машиналар мажмуаси, автоматлаштирилган воситалар, фойдали қазилма бойликларини қазиб олиш харажатларини камайишини таъминлаши, қоплаш муддати минималлиги, оғир қўл меҳнат шароитларини енгиллаштириши, ҳамда ишчиларнинг меҳнатини хавфсизлик даражасини ошириши муҳим саналади. Ўрнатилган ускуналарнинг иқтисодий самарадорлиги, ишлаб чиқариш жараёнида ва аниқ бажариши зарур бўлган ишнинг турига қараб, баҳоланади. Аммо кон машиналари бир шароитда самарали, иккинчи бир шароитда самарасиз натижа бериши мумкин. Бу ҳолатда эса техник иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаштириш, яъни дастлабки, фаолият кўрсатаётган ва янги техника, ускуна самарадорлигини солиштириш натижасида юзага келган ҳисоблар орқали аниқ хулосаларга келинади. Корхонанинг умумий самарадорлиги усқунанинг қоплаш муддати(Т)ни, капитал харажатлар(К) корхона эришган фойда(П)га нисбати билан ифодаланади:

$$T = K/P;$$

Усқунани такомиллаштиришда таннарх харажатларини камайиши ҳамда тежалган вақт ҳисобидан минимал қоплаш муддатига эришилади.(1) Услубиётда жорий этилаётган ускуна 6-7 йил учун самарадорликнинг меъёрий коэффиценти 0,15дан кичик бўлмаслиги аниқланган.(2) Шунга мувофиқ келтирилган харажатлар(З)нинг ифодаланиши таннарх харажати(С), самарадорликнинг меъёрий коэффиценти(Е=0,15), капитал харажатлар(К) умумий ҳолда қуйидагича ифодаланади;

$$Z = C + E * K$$

Технологик тизим натижалари услубий жиҳатдан асосланган солиштирама иқтисодий самарадорлик ҳисобланиши шарт, у ҳолда йиллик маҳсулот ҳажми(А) умумий кўринишда қуйидагича ифодаланади;

$$\Delta = (C1 + E * K) - (C2 + E * K) * A \text{ ёки } \Delta = (Z1 - Z2) * A$$

Юқоридаги ҳисобларга кўра, ҳар бир соҳада услубий ёндошилса, корхоналарда қўшимча капитал қўйилмалар талаб этилмай, шунингдек,

материал сифимнинг камайиши, рентабеллиги юқори ҳамда иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган, янги технология жорий этилишига асос солинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Методика определения эффективности использования в народном хозяйстве // вопросы экономики. 1984. №9 - 141с.
2. Ефимов К.Н., Львов Д.С. Эффективность новой техники.-М.Экономика. 1989.-144с.
3. Мамадалиева Н.А. Диссертация “Ўзбекистонда фосфор таркибли угитларни ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги” Т. 1995й
4. Adilov, T. T., Israilova, X. M., Uzohkov, I. E., Axtamov, M. X., & Rahmatullayeva, X. I. (2021). Food security: National food market strategy. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(2), 619-626.
5. Хунаров, А. М., & Узаков, И. Э. (2022). Современные проблемы экологического районирования. *Science and Education*, 3(9), 218-223.
6. Karimqulov, Q. M., Uzoqov, I. E., Sarikulov, M. X., & Xursanova, M. Y. (2022). Oziq-ovqat mahsulotlarini sifatini aniqlash va tasniflash usullari. *Science and Education*, 3(9), 157-161.
7. Рискулов, Х. А., Адиллов, Т. Т., & Узоқов, И. Э. (2022). Перспектива развития туризма в Узбекистане. *Science and Education*, 3(7), 334-339.
8. Uzoqov, I. E., Lapasova, Z. K., & Jabborxonova, G. A. K. (2022). Oziq-ovqat mahsulotining xavfsizligi: muammolar va yechimlar. *Science and Education*, 3(7), 41-52.
9. Sarikulov, M. X., Uzoqov, I. E., & Lapasova, Z. K. Q. (2022). Oliy ta'lim muassasalarida yosh kadrlarni sifatli inklyuzif o'qitishni rivojlantirish va yetuk kadrlarni tayyorlash. *Science and Education*, 3(6), 784-788.
10. Uzoqov, I. E., & Bahodirova, N. G. O. Q. (2022). Tovarlar kimyosi ixtisosligida oziq-ovqat mahsulotlarining kimyoviy tarkibining o'rnini. *Science and Education*, 3(12), 365-368.
11. Karimqulov, Q. M., Uzoqov, I. E., & Sarikulov, M. X. (2022). Tovuq go'shtining tarkibini aniqlash va sinflash. *Science and Education*, 3(10), 151-158.
12. Uzoqov, I. E., & Jabborxonova, G. (2022, June). IQLIM O'ZGARISHINI OLDINI OLISH VA IQTISODIY SAMARADORLIKGA ERISHISH. In *Archive of Conferences* (pp. 224-230).
13. Umarov, T., & Bekturov, D. (2021). The main parameters of the cutting process and technological factors affecting the reliability of the axial tool. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1932-1943.

14. Досметов, С. Г., & Бектуров, Д. Х. (2022). Вопросы защиты граждан от опасностей. *Science and Education*, 3(12), 301-308.
15. Gulmetuli, D. S., & Kholtursinovich, B. D. (2022). On the Harmful Effects of Strong Drinks. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY*, 3(11), 135-141.
16. Umarov, T., & Bekturov, D. (2021). Drilling in heat treated steel. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 10(3), 425-430.
17. Мамадалиева, Н. А. (2022). Ресурсосбережение основа экономического роста. *Science and Education*, 3(12), 427-433.
18. Мамадалиева, Н. А., & Исломова, Р. А. (2022). Кимё Саноатида Ишловчилар Учун Экотуризмнинг Аҳамияти. *Miasto Przyszłości*, 30, 65-68.
19. Mamadaliyeva, N. A. (2021). The Importance of Ecotourism for Those Working in the Chemical Industry. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 1(1), 1-4.
20. Mamadaliyeva, N. A. *MACROECONOMIC IMPORTANCE USE AND CONSUMPTION OF PHOSPHATE FERTILIZERS. GWALIOR MANAGEMENT ACADEMY*, 9.
21. Мамадалиева, Н. А. (1995). Экономическая эффективность производства фосфорсодержащих удобрений в Узбекистане.
22. Улашев, И. О., Мамадалиева, Н. А., Ашурова, Н. Б., & Кучкаров, Н. С. (2006). Правовая налоговая политика недропользования в Республике Узбекистан. *Горный журнал*, (9), 42-43.
23. Салимов, Х. В., & Мамадалиева, Н. А. (2006). ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ В НАВОИЙСКОМ РЕГИОНЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН. In *Труды международной научно-технической конференции Энергообеспечение и энергосбережение в сельском хозяйстве (Vol. 4, pp. 336-338)*. Государственное научное учреждение Всероссийский научно-исследовательский институт электрификации сельского хозяйства Российской академии сельскохозяйственных наук.
24. Sokinaxon, X. J. R. (2022). XALQARO MUNOSABATLARNI BILDIRUVCHI TERMINLARNING STRUKTURAVIY VA SEMANTIK TAHLILI. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(3), 355-358.
25. Sarikulov, M. X., Uzoqov, I. E., & Lapasova, Z. K. Q. (2022). Oliy ta'lim muassasalarida yosh kadrlarni sifatli inklyuzif o'qitishni rivojlantirish va yetuk kadrlarni tayyorlash. *Science and Education*, 3(6), 784-788.
26. Хамрохонова, С. Ж. (2020). ФРЕЙМЫ «ГОСТЬ» И ГОСТЕПРИИМНЫЙ ЧЕЛОВЕК. *Студенческий вестник*, (29-1), 26-27.

27. Xamraxonova, S. J. (2020). THE LINGUOCULTURAL LANDSCAPE OF THE WORLD AND ITS REFLECTION IN LANGUAGE. Экономика и социум, (10 (77)), 294-296.

28. Xamraxonova, S. J. (2020). DUNYONING LINGVOMADANIY MANZARASI VA UNING TILDA AKS ETILISHI. Academic research in educational sciences, (3), 1199-1203.

29. Jo'raxonovna, S. X. Aspects of Teaching Foreign Languages at a Technical University. Preprint not peer reviewed.

30. Xamroxonova, S. J. (2022). O'zbek tilidagi iboralar tizimini o'rganishning nazariy muammolari. Science and Education, 3(10), 659-663.

31. Сариккулов, М. Х. (2021). Ёш авлодни соғлом қилиб тарбиялашда жисмоний соғломлаштиришнинг аҳамияти. Academic research in educational sciences, 2(5), 881-887.

32. Turdimovich, A. T., & Khasanovich, S. M. (2021). THREATS POSING A DANGER TO CIVILIZATION AND HUMANITY.

33. Sarikulov, M. X., Uzoqov, I. E., & Lapasova, Z. K. Q. (2022). Oliy ta'lim muassasalarida yosh kadrlarni sifatli inklyuzif o'qitishni rivojlantirish va yetuk kadrlarni tayyorlash. Science and Education, 3(6), 784-788.

34. Adilov, T. T., & Sarikulov, M. K. (2021). On the Negative Influence of Radiation on the Human Body. European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630), 9, 126-130.

35. Адиллов, Т. Т., & Сариккулов, М. Х. (2022). Проблемы экологии и здоровье населения на современном этапе. Science and Education, 3(4), 50-58.

36. Adilov, T. T., Sarikulov, M. K., Riskulov, H. A., & Kh, N. (2021). Kuchkarova To Study the Problem of Drinking Water Shortage and Public Health IJAET International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology| e-ISSN: 2792-4025| <http://openaccessjournals.eu>| Volume: 1 Issue: 5 in October-2021 ISSN 2792-4025. Copyright (c), 192-196.

37. Сариккулов, М. Х., & Адиллов, Т. Т. (2019). Некоторые вопросы гражданской защиты на современном этапе. Вопросы науки и образования, (2), 30-37.

38. Хунаров, А. М., & Узаков, И. Э. (2022). Современные проблемы экологического районирования. Science and Education, 3(9), 218-223.

39. Хунаров, А. М. (2022). ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ЭКОЛОГИК АСОСЛАРИ. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(4), 66-69.

40. Mamatovich, X. A., & Artykbaevich, R. H. (2021). Recreational zoning of the territory of uzbekistan. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 11(1), 1648-1651.

41. Khunarov, A. M., Kurbanov, S. B., & Yakshimurodova, D. Q. (2022).
SOME ISSUES OF DEVELOPMENT OF LARGE INDUSTRIAL CENTERS.
Journal of Geography and Natural Resources, 2(01), 81-88.